



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил
22 ноябрь
ЧОРШАНБА
№ 94
(11.897)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

МУРАББИЙЛИК БАХТИ

Мамлакатимизда транспорт ҳўжалигининг етакчи тармоғи — темир йўллари ривожлантиришга катта аҳамият берилиб, янги тармоқлар қуриляпти, эскилари реконструкция қилиняпти. Шу йўл билан йўловчилар ташишда ҳам ижобий силжишларга эришилмоқда.

Бу ишларни амалга оширишга Оҳангарон туманидаги «Эйвалекмахсустемирбетон» очик акциядорлик жамияти жамоаси ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. У ерда ишлаб чиқарилаётган шпаллар ва бошқа темирбетон конструкциялар шундай қурилишлар учун етказиб берилляпти. Корхона жамоаси асосий бюртмачи ҳисобланган «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик компаниясининг бюртмаларини ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

Тажрибали ишчи Мухаббат Бегматова темирбетон буюмларни қолиплаш касбини пухта эгаллаган. У ўзининг кўп йиллик иш тажрибасини ёшларга ҳам қўн билан ўргатиб, жамоада юксам обрў-этибор қозонмоқда.

СУРАТДА: Мухаббат Бегматова. Даврон АХМАД олган сурат.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 20 ноябрь кунини мажлиси бўлиб ўтди. Конституциявий суд раиси ўринбосари Б.Мирбобоев бошқарган мажлисда давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг вакиллари, олимлар, мутахассислар иштирок этди. Унда «Чет эллик инвесторлар ҳўқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 10-моддасининг биринчи қисмини шарҳлашга оид иш кўриб чиқилди.

«Чет эллик инвесторлар ҳўқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонун 10-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, «Чет эл инвестициялари билан бевосита ёки бивосита боғлиқ низо (инвестицияга оид низо), тарафлар келишувига кўра, улар ўртасидаги маслаҳатлашувлар орқали ҳал этилиши мумкин. Агар тарафлар келишилган ҳал қилувга эриша олмадилар, бундай низо Ўзбекистон Республикасининг ҳўжалик суди томонидан ёхуд ҳакамлик воситасида инвестицияга оид низоларни ҳал этишга доир Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномаларининг (битимлар ва конвенцияларнинг) қоидалари ва тартиботига мувофиқ ҳал этилиши лозим».

Мазкур қонун 10-моддасининг биринчи қисмидаги инвестицияга оид низо ҳакамлик воситасида бундай низоларни ҳал этишга доир Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномаларининг (битимлар ва конвенцияларнинг) қоидалари ва тартиботига мувофиқ ҳал этилиши лозимлиги ҳақидаги қоидаларни баъзи инвесторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 6 майдаги қарори билан ратификация қилинган «Давлатлар ва ажнабий шахслар ўртасидаги инвестицияларга оид низо-

ларни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги Конвенция»га мувофиқ Инвестицияга оид низоларни тартибга солишчи халқаро марказга ҳал этиш учун ўтказишга республика розилигининг ифодаси деб нотиқри тушунишлари унга шарҳ бериш заруратини келтириб чиқарди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари нормалари, шунингдек иш бўйича бошқа материалларнинг таҳлили «Чет эллик инвесторлар ҳўқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 10-моддасининг биринчи қисми қоидалари «тартибга солиш» тушулушида ўзида ифода этмаслигини, ушбу моддада назарда тутилган инвестицияга оид низо ҳакамлик воситасида бундай низоларни ҳал этишга доир Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномаларининг (битимлар ва конвенцияларнинг) қоидалари ва тартиботига мувофиқ ҳал этилиши мумкинлиги низо ҳал этиш учун Инвестицияга оид низоларни тартибга солишчи халқаро марказга ўтказишга республика розилигининг ифодасини билдирмаслигини кўрсатди.

Конституциявий суд ишни кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида йод етишмаслик муаммоси ва унинг ечимига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Қўни палатанинг Мехнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Қонунчилик палатаси депутатлари, фракциялар, алоқадор вазириликлар ва идоралар, ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

ЙОД ТАНҚИСЛИГИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Мазкур қўмита раиси И.Насриев бошқарган йиғилишда юртимизда йод етишмаслиги муаммосини бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилаётгани таъкидланди. Жумладан, мамлакатимиз Президентини Ислол Каримовнинг йод танқислиги ҳолатларининг олдини олиш муаммоларига оид қарори ҳамда давлат дастурида бу муҳим масалани қонун йўли билан тартибга солиш лозимлиги алоҳида қайд этилган.

Йиғилишда Юртобимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси муҳоамасига киритилган «Йод етишмаслиги касаллигини профилактикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Иккинчи ўқинишда тақдим этилаётган ушбу қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида Ўзбекистон Республикаси ҳудудда ишлаб чиқариладиган тузнинг йодланмиш мажбурийлигини қонунийлаштириш лозимлиги таъкидланди. Тегишли давлат органларининг йод етишмаслиги касалликлари профилактикасининг ҳўқуқий асосларини тақомиллаштириш, йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қадоклаш, тамағалаш, сақлаш, сотишга доир қонун талабларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини белгилашга қаратилган моддаларни киритиш юзасидан бир қатор тақлиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
Ў.А. муҳбири.

ИСЛОҲОТЛАР КўЛАМИ САЛМОҚЛИ

Ўзбекистон сихат-саломатлик кўрсаткичлари ва соғлиқни сақлаш ҳолати бўйича катта ютуқларга эришди. — деди БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги доимий вакили Фикрет Акчуря Тошкентда ўтказилган «Инсон ривожланиши тўғрисида 2006» Миллий маърузанинг тақдимот маросимида.

Кидлади у. — Зеро, 1999 — 2005 йилларга мўлжалланган Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Миллий дастурини амалга ошириш якунланди. Экспертларга ислоҳот туфайли эришилган натижаларни ўз вақтида кўриб чиқиш имкони яратилди.

Кам таъминланган аҳоли қатламларини муҳофаза қилиш мақсадида, аввал-

ламбор биринчи тиббий ёрдам соҳасида белул кўрсатиладиган хизматлар давлат томонидан белгила кўйилди. Булар сирасига амбулатор — поликлиника, тезкор тиббий кўмак, туғруққа ёрдам кўрсатиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни даволаш, 14 ёшгача бўлган болаларга тиббий хизмат кўрсатиш қиради.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурлари, шунингдек, хар йили амалга ошириладиган мақсадли ижтимоий — қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари, «Она ва бола йили», «Соғлом авлод йили» ва «Сихат-саломатлик йили» доирасида ҳаётга татбиқ этилмоқда.

«Туркистон-пресс».

Қарор ва ижро

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислол Каримовнинг жорий йил баҳорида эълон қилинган «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларда чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори қишлоқ аҳолиси ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Қарор асосида кам таъминланган ва серферзанд оилаларга хомийлар томонидан шу қунгача мамлакатимизда қарийб ўттиз минг бош сигир тарқатилди.

ЧОРВА — ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

Бундай тухфа кўплага оилаларнинг рўзгорига янада барака киритди. Ўз ҳўжалиғида мол боқиб кўпайтиришга имкони бўлган фуқароларнинг иш билан таъминланган аҳоли тоифасига киритилиши ҳам айни мўдда бўлди. Маҳалла оксоқоллари ва туманлар меҳнат бўлимлари вакиллари тақлифи билан шу қунгача 369 минг кишига меҳнат дафтари очилиди.

Давлатимиз томонидан шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларига чорвани кўпайтириш учун ажратилган 28,9 миллиард сўмлик имтиёзли кредит соҳа ривожига муҳим ўрин тутди. Шунга кўра, мамлакатимизда наслчилик ишларини янада ривожлантириш мақсадида четдан зотдор ва сермахсул чорва моллари келтириш учун уч мингдан зиёд шартнома тузилди.

Қарорда чорва молларига сифатли ветеринария хизмати кўрсатишни ташкил этиш ҳам кўзда тутилган. Ҳозир республикада у юзга яқин зооветеринария хизмати ишлаб турибди. Қорамолларни ветеринария мутахассислари назорати остида сўйиш учун 125 қушхона иш бошлади. Ёрдамчи ва деҳқон ҳўжалиқларида етиштирилган чорва маҳсулотларини сотишда қўлайлик яратиш мақсадида икки юздан ортик махсус майдонча ташкил этилди. Вилоятлардаги насли моллар сотиладиган аукцион



майдончалари тегишли наслчилик ҳўжалиқларига бириктириб кўйилди. Наслчилик ҳўжалиқлари томонидан аҳолига ўн олти минг бош зотдор мол аукцион савдоси орқали сотилди.

2006 йилда қорамолчиликка ихтисослашган наслчилик ҳўжалиқларида галладан бўшаган майдонларга 23 минг гектар тақририй маккажўхори экилди. Бу ўтган йилга нисбатан 17,7 минг гектар кўпдир. Тошкент вилоятидаги «Абулқосим ўғиллари» каби бошқа вилоятлардаги қатор фермер ҳўжалиқлари бу борада имкониятлардан умумли фойдаланиб, оралик экин ҳисобига хар гектаридан 15-18 тонна озуқа бириги оиди. Ушбу тажрибани республикада татбиқ этиш мақсадида келгуси мавсумда 30 минг гектар майдонга оралик экинлар экиш режалаштирилган.

Сайёра ШОЕВА,
Ў.А. шарҳловчиси.

«Обуна — 2007»

МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

Оҳангарон туманидаги «Ангренироби» сувдан фойдаланиш уюшмасининг фермер ҳўжалиқларида кузги-қишки тадбирларнинг бажарилиши юзасидан ўтказилган йиғилишда келгуси йил учун даврий нашрларга обунани ташкил этиш ва мавсумни кўнгилдагидек якунлаш масаласи ҳам алоҳида кўриб чиқилди.

Обуна мавсуми — муҳим сиёсий тадбир, — таъкидлади йиғилишда туман ҳокими Маҳмуд Мирзабоев. — Лекин мавсумолди белгиланган вазиғларимизнинг жойлардаги ижроси жуда суст. Вилоятимизнинг бош нашрлари — «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталарига бугунгача жами 92 нусхада обуна қайд этилган, холос. Бошқа нашрлар мисолида

ҳам шу фикрни билдириш мумкин. Мавзу доирасида йиғилишда сўз олган «Авазон» фермер ҳўжалиғи раиси Авазон Усмонов, «Ангренироби» сувдан фойдаланиш уюшмаси раиси Бехзод Эгамбердиев кузги-қишки дала ишлари билан бир қаторда шу қуннинг энг долзарб вазиғаси — «Обуна — 2007» мавсумининг ушўқоқлик билан ўтишини таъминлашга қаратилган тезкор

чора-тадбирлар хусусида тўхталдилар. Уюшмага аъзо 167 та фермер ҳўжалиғидан 102 таси богдорчилик, 65 таси галлачилик ва сабзавотчилик билан шуғулланади. Ҳозирги кунда бу ҳўжалиқларда кузги-қишки суғориш, сув тармоқларини таъмирлаш, далага ўғит чиқариш, пайҳонга қарши кураш чораларини кўриш каби мавсумий ишлар ағротехник талаблар асосида амалга ошириляпти. Уйлаймики, фермерлар обуна ишларида ҳам фаол бўладилар. Зеро, матбуот бугун ҳўқуқий демократик давлат барпо этиётган мамлакатимизда хар бир кишининг қундалик ҳаётидаги яқин маслакдошига айланган.

Мунаввара ИСКОУЛОВА,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

2007 йил учун обуна давом этмоқда

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси — 205.

Орамизағи одамлар

— Бошлари тошдан яратилган авлод эканмиз... Шундай деди-да, суҳбатдошим оғир тин олганча жим қолди. Унинг бунчалик ҳаёлларга берилиши сабабларини кейинроқ, у ўз ҳаёти ҳақидаги ҳикояларини тугатганидан сўнггина тушуниб етдим. Дарҳақиқат, ҳаёлларга берилмаслик, ўйламаслик, ўтган-кетган воқеа-ҳодисаларни бир-бир кўз олдида ўтказмаслик, улардан керакли сабаклар чиқармаслик асло мумкин эмас. Зеро, рўпарамда ўтирган бу инсон учун ўша даврларни унуттиш бугунги қунларнинг қадрига етмаслик, шукрона қилмаслик кўйинги, гумроҳлик билан баробар...

НУРЛИ КУНЛАР ШУКРОНАСИ

БУЗИЛГАН ҲАЛОВАТ

— Аслимиз Тожикистоннинг тоғли Қўрғонча қишлоғидан. Хонадонларимиз Қирғизистон билан Тожикистон сарҳадларида, оилаларимиз тинч-тову яшарди. Бизлар Тожикистон томонида эдик...

Етти ашар боланинг қўрган-кечирганлари бир умр хотирасига муҳрланиб қолади. Қайомжон ўзи тугилиб ўсган Қўрғонча қишлоғи ҳақида хануз ҳаяжонсиз сўзлай олмайдим. Чунки, тоғ сойларини, илк баҳор кезлари қор қатламининг ёриб чиққан бойчечакларини, уларга талпиниб, қотиб қолган қор устида тийғана-тийғана, юраги халқириб югурганларини ўла-ўлгунча унута олмайдим.

Шундай кезларда Абдуҷаббор ота билан Нусратхон ая дилбандларини бағриларига босиб, баҳор даракчиси бойчечаклар, кетма-кет тоғ барглари яшнатиб юборувчи лолалар ҳақида ҳикоя қилиб беришар, шу гулларнинг ҳар бири дилларга қувонч, инсон вужудида илиқ-иссиқлик, она-табиат, унинг тўғалликларидан баҳра олиш туйғусини бағишлайди ҳақида сўзлашарди. Бу ҳикояларни акаси Божохон, сингиллари Саломат, ҳали мурғаккина Баҳри жимгина тинглашар, уларнинг кўнгил тубларини шу тоғу тошларга, жонажон Қўрғончаларига, қияликдаги арча-

зорлар, ўнгирлардаги бутазорларга меҳр товланиб борарди. Тошлардан пойдевор тикланиб қурилган уй пастқамгина, куз ва илк баҳор кезлари бироз захроқ бўларди. Лекин курси устига қалин кўрпа ташланган, ҳали ловуллаб турган арча чўғлари бозиллатиб юборадиган танча атрофидаги қаймоққўриқларни унутиб бўлармиди? Патнис тўла мағзи тўқ ёнғоқ, тотли туршаклар, токи дарахтлар гулга киргунича дастурхондан аримайдиган сувли ноку карсиллаган олма-ларини-чи?

Кунгай қирларни майсалар қоплаганда мол-қўйларни ёйиб юборишарди. Қиш бўйи оғилхоналарда димикиб чиққан сигир-бўзоқлар, қўй-қўзилар баҳор офтобиде яйрашарди. Уларнинг атрофида Божохон билан Қайом қийқириб-қувалашиб уйнашарди. Бехос буларнинг ҳаммаси тушга айланди.

ИЛК ТААССУРОТ

— Кутилмаганда ҳаммамиз азиз қишлоғимиз, ҳовли-жойларимиз, ширингина турмушимиздан маҳрум бўлдик. Кўчирма бошланди. Шу бир оғиз сўз нималарни билдиришини, инсон зоти бошига қандай қўруғликлар солишини дастлабки дақиқалардаёқ ҳис қилдик. Ушанда акам тўққиз, мен етти ёшда эдим, кўчирманинг барча дахшатларини ҳали тўғалгича идрок этолмасдик...

(Давоми 3-бетда).

Мустақиллик неъматлари

МАФТУНКОР КАСБЛАР ШОДАСИ

Бўка туманида бундан уч йил аввал Маиший хизмат кўрсатиш касб-хунара коллежи очилган эди. Туман марказига кўрқ, чирой бағишлаб турган ҳашаматли бино ўзининг ажойиб кўриниши, ям-яшил ҳовлиси, гулзорлари билан бўқаликларнинг фахрига айланган.

— Бу йил коллежимизнинг илк қалдирғочларини учирма қилдик, — дейди гурур билан коллеж директорининг ўринбосари Баҳром Шодибеков. — 177 нафар битирувчиларимизнинг 70 фоизи ҳозирги кунда ўз иш жойларига эга бўлишди. 586 нафар талаба асосан тикувчилик, молия-иқтисод, радиотехника, ЭХМ оператори, газ ва электр жиҳозларини таъмирлаш, экология ва табиат муҳофазаси йўналишлари бўйича таълим олишяпти. Айнақса, тикувчилик, молия-иқтисод, радиотехника бўлимларида қизиқиш кўпроқ.

— Ҳақиқатан ҳам туманимиз қизларининг тикувчиликка иштиёқи баланд, — дейди коллеж бош устаси, махсус фан ўқитувчиси Гулбахор Жўраева. — Улар тадбиркор Сайёра Тошматованинг моделлари уйддаги амалий машғулотларда ҳамisha катта қизиқиш билан иштирок этишади. Тикувчи қизларимиз Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-хунара таълими

бошқармаси томонидан ташкил этилган «Маҳорат — 2006» кўрик-ярмаркасида муваффақиятли иштирок этишди. Талабаларимиздан Муқаддас Мусаева Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташаббуси билан ўтказилган «Тадбиркор талаба» танловига қатнашиб, туман коллежлари орасида биринчи ўринни эгаллади.

Мана, бугун ҳам ювончли хабардан бошимиз осмонда. Бошқарма томонидан коллежимизга 25 та замонавий хориз тикув машиналари ажратилди. Хар бири 7 миллион сўмдан ортқ турадиган бу машиналарни муассисларнинг ўзлари келиб ўрнатиб беришар экан... Замонавий жиҳозлар — компьютер, радиотехника, сартарошлик ускуналари билан тўлиқ таъминланган ўқув хоналари талабаларимизнинг касб-хунарага бўлган интилишларини янада ошириши табиий.

Бозор муносабатлари жадал ривожланаётган бир пайтда иқтисодий

Сайёра РИХСИЕВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

САЛОМАТЛИК — ТОЗАЛИК ВА ОЗОДАЛИКДАН БОШЛАНАДИ

Шу йилнинг июнь ойида Чирчиқ шаҳар ҳокимининг фармойиши билан бутун шаҳар ҳудудида, маҳалла кўмиталари ва уй-жой мулкдорлари ширкати, мулк шаклидан қатъи назар барча корхона ва ташкилотларда санитария ҳолатини намунали сақлаш мақсадида маъмурий-санитария комиссияси тузилган эди. Шу муносабат билан шаҳар прокуратурасида санитария ҳолатини барқарорлаштириш юзасидан жойларда амалга оширилаётган ишларни мониторинг қилиш учун ишчи гуруҳ ташкил этилди.

Шаҳар прокурори ўринбосари, адиля маслаҳатчиси Шухрат Икромов ишчи гуруҳ фаолияти ҳақида муҳаббатига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Айни вақтда ҳоким фармойишида белгилаб берилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, маъмурий-санитария комиссияси хар ҳафтада шаҳар ҳудуди, маҳалла кўмиталари, уй-жой мулкдорлари ширкати, корхона ва ташкилотларга рейдлар уюштириб, «Махсустранс» автоколоннаси билан тузилган шартномаларнинг ижросини кузатишда ҳамда аҳоли, корхона, ташкилот, маҳалла кўмиталари ва ширкатлар раҳбарлари ўртасида тушунтириш ишлари олиб бормоқда.

Шаҳар прокуратурасида тузилган ишчи гуруҳ эса

прокурор назоратини кучайтириш, эҳтиёж сезилган ҳолларда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш бўлими, ИИБ, фуқаролар йиғинлари ва бошқа тегишли идоралар вакиллари иштирокида зарур чора-тадбирларни кўрмоқда. Бунда асосий эътибор мактаб, мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, маҳаллий бозорлар, умумий овқатланиш ва аҳоли гавжум жойларга қаратилиб, юзага келаяётган муаммоларни жойида ҳал этишга ҳаракат қилинмоқда.

Бундан бир ҳафта аввал прокуратурада тегишли ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари иштирокида йиғилишлар ўтказилиб, санитария ҳолатини барқарорлаштиришга қаратилган кўшимча тадбирлар белгилаб олинди. Айни пайтда уларнинг ижроси устидан мониторинг янада кучайтирилди. Чунончи, ҳозиргача 25 та мактаб, 8 та мактабдан ташқари таълим муассасалари, 3 та спорт мактаби, 36 та болалар боғчасида ўқитувчи ва ўқувчилар, мураббий ва тарбиячилар иштирокида ўқув ва тарбия даргоҳлари ҳамда уларга бириктирилган ҳудудларни тозалаш ва тартибга келти-

уюштирилди. Бугунги кунда «Махсустранс» автоколоннасининг 19 та машинаси шаҳар ҳудудидаги турли чиқинди ва хазонларни алоҳида белгиланган жойларга ташинида фаол қатнашмоқда. Махсус жойларга чиқиндилар учун мўлжалланган 280 та контейнер ва 70 та гилдиракли қутилар қўйилган. Шунингдек, гилдиракли қутиларни кўпайтириш чоралари кўрилмақда. Жумладан, ҳозир «Электромобилсанот» очик акциядорлик жамиятида кўшимча 20 та ана шундай қутилар тайёрланмоқда.

Шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ходимларининг жойларда амалга оши-

ҒОЛИБЛАР МУКОФОТЛАНДИ

Ўзбек Миллий академик драма театрида Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Германия элчихонаси қошидаги Гёте институти ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Учтепа туман бўлими кенгаши ташаббуси билан халқаро талабалар кўнига бағишланган «Дунё мусиқаси — 2006» кўрик-танлови ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг талабалари иштирок этишди. Тадбир қатнашчилари ўзбек, рус, инглиз, француз, немис, испан тилларида кўшиқлар ижро этиш бўйича ўзаро беллашди.

Уттизга яқин истеъдодли ёшлар орасида инглиз филологияси факультети талабаси Шоҳруҳ Ваққосовга тенг келадигани топилди. Унинг инглиз ва ўзбек тилларида куйлаган кўшиқлари барчага манзур бўлди. Немис филологияси факультетидан Мария Макарова, инглиз филологияси факультетидан Нафиса Усмоновага эса иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди.

Шунингдек, кеча давомида «Йилнинг энг фаол талабаси» йўналиши бўйича ўз иқтидорини намоиш этган ёшларга ҳамда танлов ғолибларига ташкилотчиларнинг қимматбахо совғалари топширилди.

Тадбир сўнггида намоиш этилган «Дадажон демайман» спектакли йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Нурилло НЎЪМОНОВ.



СУРАТЛАРДА: шаҳарда ўтказилаётган ободонлаштириш тадбирларидан лавҳалар. Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

риш тадбирлари ўтказилди. Худди шундай тадбирлар аҳоли ва фаоллар иштирокида 44 та маҳалла ва 38 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳудудларида ҳам

раётган ишлари ҳақида кундулик маълумотлар олиниб, таҳлил этиб борилмоқда.

«Тошкент ҳақиқати» мухбири Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ ёзиб олди.

Қадриятларимиз

УСТОЗЛАР

Кўча-кўйда озода, ярашқили либос кийган билимли, одобли, қобилиятли, ҳар томонлама мукамал ёшларни кўриб: «Тарбия берган ота-онанга, устозингга бағли!» деймиз. Азал-азалдан ота-боболаримиз таълим-тарбияга катта аҳамият бериб келишган. Чунки, таълим жамиятни тутиб турувчи мустаҳкам устунлардан биридир.

Айни дамда юртимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар кизгин давом этмоқда. Зеро, хар қандай жамиятнинг келажаги илмга асосланган. Ҳозирги вақтда минглаб ёшларимиз дунёнинг турли мамлакатларидаги энг нуфузли билим даргоҳларида таҳсил олишаётди. Улар ўз-ўзидан бундай масканларда ўқиётгани йўқ. Мураббийлардан олган сабоқларини, устозларининг савий-харакатларини юзага чиқарган холда грантларни ютиб олиб, билимларини янада такомиллаштирмоқдалар. Вақти келиб, улар Ватанимиз келажагига хизмат қилиши шубҳасиз.

Бугунги кунда хар бир туманда жондан андозаларига мос янги-янги коллежлар ишга тушмоқда. Болаларимиз ота-боболаримиз тушига ҳам кирмаган шароитларда билим олмоқдалар. Улар ана шундай имкониятлар яратиб берган, чуқур билим олишда кўмакдош бўлган мураббийлардан, ота-оналаридан миннатдорлар. Фидойи мураббийларимиз ҳақида қанча гапирсак оз. Ўқитувчининг энг катта бойлиги шуки, хар ерда шогирдлари

бор. Инчунун, халқимиз «Устоз отандек улуғ!» деб уларни қадрлайди. Арастудан: «Устоз улўғми, отамми?» деб сўрашганда, ул зот: «Отам мени дунёга келтирди, устоз эса илм олиб, шундай камолга етишимга, эл-юрт олдида обрў-эътиборга эришимга сабабчи бўлди» деб жавоб қайтарган экан.

Мухтарам устозларнинг бугун шу миллат, шу халқнинг маънавиятини юксалтиришда катта ҳиссаси бор. Улар фарзандларимизнинг диний, дунёвий илмларини бойитиб, илдини бир неча асрларга бориб тақаладиган тарихий қадриятларимиз, миллий анъаналаримизни ҳам мурғак қалбларга жо этишмоқда.

Бир кун Искандардан: «Сенга тобе бўлмаган ер йўқ, куч-қудрат ва билиминг етти иккимга машхур. Киши қандай усул билрла шу даражага эришур?» деб сўрашди. Шунда Искандар: «Аллоҳ қарам айлаб, Арастудек одамни менга устоз қилиб берганидан» деб жавоб берган экан.

Биз ҳам ўз элига, юртига фидойи, оташқалб устозларимизни ҳамisha жамиятимизнинг мустаҳкам устунлари деб ардоқлаймиз.

Олимжон СУЛТОНОВ, Республика маънавият тарғиботи марказининг масъул ходими.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

БЕФАРҚ БЎЛМАСЛИК ЗАРУР

Республика Вазирлар Маҳкамаси фармойишига асосан 10 ноябрдан 10 декабрга қадар «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда.

Бундай мақсад идоравий бўйсунуш ва мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса ва ташкилотлар объектларини ҳамда уй-жой фондларини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш ва ёнғин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор тадбирлар ўтказишдан иборатдир. Ёнғин билан боғлиқ бахтсиз ҳо-

дирлардан сақланиш, унинг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик мақсадида вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси қуйидагиларни тавсия этади: — ёш болаларни гугурт, олов билан ўйнашларига йўл қўйманг; — уларни қаровсиз қолдирманг; — асбоб-анжомлардан фойдаланиб бўлгандан сўнг, уларни электр тармоғидан узишни унутманг; — уйдан чиқиб кетаётганингизда газ асбоблари ва электр чиқроқларини учириб қўйманг; — хонада газ чиқаётгани сезилса, чироқ ва бошқа электр асбоблари, учкун берувчи воситаларни ёқиб мумкин эмас; — тармоққа улаб қўйилган электр-иситиғич асбобларини, электр дазмол ва плиталарни қаровсиз қолдирманг; — иситиш пелларининг соғлиқига эътибор бериш, уларнинг муҳриконтларини тез-тез тозалаш турун; — пелларнинг ортиқча кучли қизиби кетишига йўл қўйманг, улар-

нинг яқинига хар хил мебель ва бошқа тез ёнувчи буюмларни қўйманг; — қозондаги ёғни доғ қилаётганда назоратсиз қолдирманг; — табиий газни резина шланглар орқали уламанг, айниқса тунда газни ёқиб қолдирманг; — ўчирилмаган сигарет ва гугурт қолдиқларини ерга ташламанг; — хашак гарамларини уй ёнида сақламанг.

Юқорида кўрсатилган ёнғинга қарши қоидаларга амал қилсангиз, ўзингизни, оила аъзоларингизни ва мол-мулкнингизни ёнғин талофатидан асраган бўласиз.

Барно СОДИҚОВА, вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ноири.

ЗАВҚЛИ УЧРАШУВ

Ўзбекистон Миллий университетининг Маданият ва маърифат марказида шоира Турсуноյ Содиқова билан ижодий кеча уюштирилди.

Шойранинг эзгулик, одамлилик, ватанпарварлик хусусида билдирган фикр-мулоҳазалари, янги битилган шеърлари ўқувчи-талабаларда катта таассурот қолдирди. Талабалар орасидан ижодга, адабиётга иштиёқманд ёш шоир шoirлар ҳам ўз ижодларидан намуналар ўқидилар. Зуҳра БЕГИМКУЛОВА.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2006 йил 26 декабрь куни соат 11:00 да Республика кўчмас мулк биржаси боноси мажлислар залида бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк объектлари ва автомобилотранспорт воситалари қўйилади:

№	Объектнинг номи	Бошланғич баҳоси, сўм	Объект қайси корхона ёки ташкилотга тегишли	Объектнинг қисқача тавсифи	Автомобилотранспорт воситаси сақланаётган жой
Тошкент тумани суд ижрочилари бўлимида томонидан ҳатланган					
1	ГАЗ-3302, д/р Н 710 НММ	1000000	Фуқаро Г.А. Айтходжаева.	1995 й.и.ч. техник носоз	Камол-Умнатдош УК оибори
2	М-21406-21, д/р 11 В 5046	500000	Фуқаро Х.И. Карабаев.	1982 й.и.ч. техник носоз	Камол-Умнатдош УК оибори
3	ГАЗ-5327, д/р 11 И 0646	2366547,2	Фуқаро Ш.З. Хидиралиев.	1989 й.и.ч. техник носоз	Камол-Умнатдош УК оибори
4	М-2140, д/р 30 М 7244	1000000	Фуқаро Д.А. Тургунова.	1983 й.и.ч. техник носоз	Камол-Умнатдош УК оибори
Кибрай тумани суд ижрочилари бўлимида томонидан ҳатланган					
5	ЗАЗ-968М, д/р 10 К 7360	200000	Фуқаро Ш. Махжамов.	1981 й.и.ч.	Арғин-Умнатдош УК оибори

Ушбу объектлар сотилмаган тақдирда 2006 йил 28 декабрь, 2007 йил 2, 4, 9, 11, 16, 18, 23, 25, 30 январь ва 1, 6, 8, 13, 15, 20, 22 февраль кунлари ўтказиладиган такрорий аукцион савдоларига чиқарилади.

Қизиқиш билдирган иштирокчилар кўчмас мулк объектларини юқорида кўрсатилган манзилларда кўриш имкониятига эга. Аукцион савдосида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 кун олдин, соат 18:00 гача қабул қилинади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорда закалат пулини РКМБ нинг қуйидаги: АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтохур филиалида, ИНН 200933850, МФО: 00425, 20210000500571452057 ҳисоб рақамига тўлаши шарт. Аризалар қуйидаги манзиллар бўйича қабул қилинади: Республика кўчмас мулк биржаси манзили: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Қорақамчи 2/4 даҳаси, М.Уразбоев кўчаси, 1а-уй. РКМБ Тошкент вилоят савдо майдончаси манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй. Маълумот учун телефонлар: 399-84-48, 399-79-52 (РКМБ), 133-28-52, 133-49-31 (РКМБ Тошкент вилоят савдо майдончаси). Интернет сайтими: www.rkmb.uz

ДИҚКАТ ТУЗАТИШ: «Тошкент ҳақиқати» гезетасининг 2006 йил 4 ноябрдаги 89-сониде берилган эълондаги: 3. Бекобод туман суд ижрочилари бўлимида томонидан ҳатланган «Далварзин» ширкат хўжалигига қарашли, Бекобод тумани, Далварзин ш/х, 3-бўлимида жойлашган «Қурилиш бўлими бино ва иншоотлари» объекти жумлалари қуйидаги-ча ўқилсин: 3. Бекобод туман суд ижрочилари бўлимида томонидан ҳатланган «Далварзин» ширкат хўжалигига қарашли, Бекобод тумани, Далварзин ш/х, 3-бўлимида жойлашган «Музлаткич бинолари» объекти.

Кўмакнинг янги тури

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий муҳофазе қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури тўғрисидаги қарорига асосан реабилитация-техник воситаларни вақтинча фойдаланишга бериш прокат пунклари ташкил этилмоқда.

Тошкент туманида биринчилардан бўлиб ана шундай мосламаларни ижарага бериш хонаси фаолият кўрсата бошлади. Бу ҳақда туман ижтимоий ёрдамни ташкиллаштириш шўъбаси бошлиғи Раъно Утегенова шундай дейди:

— Кексалар ва ногиронларга меҳр-мурувват кўрсатиш мақсадида ташкил этилган ижара пункти иш бошлагандан бун аҳолига анча салқомли хизмат кўрсатилди. Туман ҳокимлиги ҳомийлигида 40



СУРАТДА: 1 гуруҳ ногирони Тургуноյ Жўраевага ногиронлар аравачаси топширилмоқда. Даврон АХМАД олган сурат.

та эшитиш аппарати, 12 та ўриндиқли аравача, 41 та ҳасса, 21 жуфт кўлтиктаёқ, ногиронлар юриши учун мўлжалланган 5 та мослама ва бошқа жиҳозлар келтирилди. Энди бундай асбобларга муҳтожлар узок кутмай, уларни тез фурсатда ижарага олишлари мумкин. 35 ёшли 1 гуруҳ ногирони Тургуноյ Жўраева ногиронлар аравачасидан,

Саида ЭШМАТОВА.

Орамиздаги одамлар



олиб, Уратепа томонларгами, қўшни Қозоғистон чўлларидаги жўна кетарди. Отларнинг довриги тоғ-қир ошиб, уни танимаган, у улоққа тайёрланган отларда даврага киришни орзу қилмаган улоқчи йўқ эди.

БАҒРИМИЗГА ШАМОЛ ТЕГДИ

— Хўпам хуш замон бўлдида. Роп-пара-роса йигирма йил бурун пенсияни расмийлаштирган бўлсам ҳам даладан чиқмагандим. Болаларим катори ер билан тиллашиб-диллашиб яшайвергандим. Лекин Ўзбекистонимиз мустақил бўлгач, бағримизга шамол тегди...

НУРЛИ КУНЛАР ШУКРОНАСИ

Бўлар экан-ку!

— Қирқ еттинчи йили бригадирликка тайинланди... Тинимсиз елиб-югуришлар, тўғри-сўзлик Каюм Жабборовни элга танитди. Ҳали хўроз қичқирмасидан дала айлини кетарди.

Йиллар ўтиб, Абдужаббор ота билан Нурадхон ая бирин-кетин келин тушириб, қиз чиқаришди. — Бахт нима? Бахтиёрлик не? Бу каби саволларга шу чўлларда жавоб излаб ўтаемиз. Киши меҳнатдан чўчима, бир ишга энг шимариб дадил киришса, асло кам бўлмас экан. Агар меҳнат ўлдирса, мен аллақачон ҳокитупроқ бўлиб кетардим. Эҳ-хе!

ҲАЛОЛЛИҚДА ГАП КЎП

— Ҳасадгўйдан асрасин экан... Бўлимда пахтачилик ривожда, оилада ўн бир фарзанд бирин-кетин буй чўзапти. Мева боғларига барака кирган. Ҳосиллар авжи этилган кези, туманда биринчи раҳбар янгилаганидан фойдаланиб, мени обғимдан чалишди. Энди иш бошлаган раҳбар ҳам мени билан тузук-куруқ гаплашмасдан, аҳолини ўрганмасдан, арқонни чўрт кесиб юборди. «Бўлимни топширсин!» депти. Аслида бундан осони борми? Талашиб-тортишиб ўтирмадим. Ўзимни дарҳол четга олдим.

БАХТ НИМА?

— Аммо айбим бўлган, уни энди-энди ташлапман... Улоқчи отларга болагимдан ишқибозман. Лекин ўзим ҳеч қачон эгарга ўтириб, давраларга ол солиб кирмаганман. Боққан отларим чавандоз амрига бўйсунганича, қишба, ўзини ўртага урса, ўрнимдан даст туриб кетаман, завқим жўшиб, тоза ярайман...

(Давоми. Боши 1-бетда).

Санобар, ўғиллари Мадамин, Иброҳим, Исроил, Абдужалил, Икром ўттишудликкина чиқшиди. Улар сафига куёвлар, келинлар қўшилишиб, бирга-бирга ишлар, рўзгорларини бутлаш, турмушларини яхшилаш ҳаракатида бўлишарди.

— Мустақилликнинг олтинчи йилига келиб, биз ҳам тушундикки, ҳаммамиз бир бўлиб ўз фермер хўжалигимизни тузмасак бўлмайди, — ҳикоясини давом эттирди Каюм ака. — Авангардда «Қалдирғоч» фермер хўжалиги бизники бўлди. Биринчи йили 15 гектар ер олиб, чигит эрдик. Дастлаб-ки теримдаёқ 25 центнердан ҳосил кўтариб, шартномами бажариб қўйдик. Шу-шу ишимизи юришиб кетди. 2004 йили танловда ғолиб чиқиб, яна 53 гектар ер олдик. 68 гектар майдонда пахта билан бугдой этиштира бошладик...

— Утган йили гектаридан 25 центнердан ҳосил олиб, биринчи навга топширишди. Бугдой 40 центнердан ҳосил тўкди. Жами 20 миллион сўмдан зиёд соф даромад олишди. Бу йил далачиликдан 27 миллион сўм соф даромад келиши кутилапти. Фаланинг ўзидан 6 миллион сўм фойда қолди.

— Шартнома режасига қўшимча 10 тонна бугдой топширдик. Ҳар бир ишловчи бир тоннадан бугдой тарқатдик.

— Фермер хўжалиги 300 минг сўм сарфлаб, дренаж насосини тузати, — ниҳоят суҳбатга қўшилди бутун оқшом Каюм аканинг хикояларини жимгина тинглаб ўтирган сувчи-муҳандис Эркин Тешабоев. — Насослар ишга тушиб, сув муаммоси ҳал бўлди.

— Каюм аканинг шукронаси шуки, хўжалиги битта «Қозоғистон», иккита «Т-28», битта «Беларусь» тракторларига эга. Ҳамма ишни ўзлари бажаришди. Абдужалил, Икром ер ҳайдаш, культивация, жўяк олишни оталаридан ўрганишди.

— Каюм ака кўзларидан ўт чақнатиб, кулимсирлади.

— Мени меҳнат асради. Ўзимни меҳнатда сақладим. — Энди...

— Энди-пендиси йўқ, Каюм ака. Айб менда. Янгилик қилдим, шовиб қолдим. Гап-сўзларга ишондим. Имкони бўлса, мени кечириб, ишни яна ўз қўлингизга олинг...

— Каюм ака боғ ва пахтазорларда қайта кўриниши билан одамлар қайфияти яна ўзгарди. Ишлар бошқача тус олди. — Ичиди бўлганидан кейин емадим, дейиш уят. Болаларимиз шу боғлар мевасини еб, шу далалар пахтасини териб ўсди. Меҳнат бизни едирди, ичирди, кийинтирди. Шу боғлар боис отли, машинали бўлди. Лекин ейшдан ейшнинг фарқи бор. Беш қўллаб олсанг, тикилади. Меҳнат билан толганинга, ҳалолига нима етсин.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

- 1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат тест маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамкорлигидаги 2005 йил 28 мартдаги 1461-сонли «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагогларни бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисидаги низомнинг янги тахирини тасдиқлаш ҳақида»-ги қарорига биноан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган таълим муассаса директорининг ўринбосари лавозимига

- ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ: 1. Директорнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари лавозимига: 1. Зағрота қишлоқ хўжалиги ҚХК; 2. Бўстонлик тумани Товоқсой иқтисодиёт ва тадбиркорлик ҚХК; 3. Янгийўл тумани Ниёзбош ижтимоий-иқтисодиёт ҚХК; 4. Паркент тумани тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш ҚХК; 2. Директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари лавозимига: 1. Қибрай тумани Байтўрғон хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт ҚХК; 2. Янгийўл тумани Ниёзбош ижтимоий-иқтисодиёт ҚХК; 3. Паркент тумани тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш ҚХК; 3. Директорнинг касб-хунар таълими бўйича ўринбосари лавозимига: 1. Янгийўл тумани Саноат ҚХК; 2. Янгийўл тумани Ниёзбош ижтимоий-иқтисодиёт ҚХК; 3. Паркент тумани тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш ҚХК; 4. Директорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари лавозимига: 1. Охангарон шаҳар саноат ҚХК; 2. Қибрай қишлоқ хўжалиги ҚХК; 3. Бўстонлик қурилиш ва коммунал хўжалиги ҚХК; 4. Янгийўл тумани Ниёзбош ижтимоий-иқтисодиёт ҚХК; 5. Паркент тумани тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш ҚХК; 6. Маълумоти бўлмаган таълимда 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимига педагогик иш стажига эга бўлган, таянч маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин; 7. Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади: 1. Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи номига ариза; 2. Шаҳар (туман) ҳокимлигининг тавсияномаси (директор лавозимига номзодлар учун); 3. Таълим муассасаси директорининг тавсияномаси (директор ўринбосари лавозимига номзодлар учун); 4. Суровнома; 5. Таржумати хол; 6. Маълумоти ҳақидаги ҳужжат ва унинг ксеро нусхаси; 7. Илмий даражаси ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатлар ва уларнинг ксеро нусхаси (мавжуд бўлса); 8. Илмий-услубий ишлар ва иxtиролар рўйхати (мавжуд бўлса); 9. 4x6 ўлчамдаги фотосурат (6 дона); 10. Номзоднинг таълим муассасасига раҳбарлик фаолияти бўйича иштироки шаклда ёзган режаси(концепция); 11. Харбий гувоҳнома(нинг ксеро нусхаси); 12. Паспорт ва унинг ксеро нусхаси (турар жойи билан); 13. Меҳнат дафтарларининг ксеро нусхаси; 14. Олдинги ёки ҳозирда ишлаб турган иш жойидан тавсифнома; Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида қабул қилинади. Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Геофизика кўрғони. Телефон: 66-09-59.

ЯНА БИР МАЖМУА

Олмалик кон-металлургия комбинати тасаруфидagi Ангрен кон бошқармаси қошида айни вақтда хашар йўли билан бунёд этилаётган ёлпик сузми хавзаси Янги йил байрамига ишчи-хизматчилар ихтиёрига топширилиши режалаштирилган.

Хашарда корхонага қарашли олтин саралаш фабрикаси, ишлаб чиқариш участкалари фаол иштирок этмоқда. Бу ердаги суз қабул қилиш ва бошқа гигиена хоналари замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Мунаввара РАЖАББӨЙ қизи.

— Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалиги махсуслотларини қайта ишловчи корхоналар, фермер хўжаликлари билан тўғридан-тўғри алоқалар ўзбекистонлик ишбилармонлар ва деҳқонларга қанақанги технология ҳамда ускуналар кераклигини аниқлаб олишга, келгусидаги ҳамкорликнинг истиқболларини белгилаб олишимизга ёрдам берди. — деди Франциянинг МДХ давлатлари бўйича қишлоқ хўжалик махсуслотлари ва техникалари ни халқроқ айирбошлашни ривожлантириш ҳудудий уюشمаси раҳбари Флоранс де Сен-Винсен.

ТАЛАБ ВА ЭҲТИЁЖЛАРНИ ЎРГАНИШДИ

Франция делегацияси таркибида қатор муассаса, чорвачиликда қўлланладиган ускуналарни ишлаб чиқарувчи корхоналар, ўзбек деҳқонлари билан бир неча йиллик тажрибага эга ишбилармон доира вакиллари бор эди. Француз саноatchилари қишлоқ ва сув хўжалиги вазириликнинг бошқарма

ҳамда бўлимларида, республика фермер хўжаликлари уюشمасида музокара-лар олиб боришди. Пошта-қандоғи мунтазам фаолият юрт-тувчи кўргазмани томоша қилишди. Шунингдек, Тошкент вилоятидаги бир неча чорвачилик фермаларида бўлиб, уларнинг талаб ва истакларини ўрганишди. «Туркистон-пресс».

Ўқитувчи, муаллим, мураббий, устоз... Булар — касбларнинг ибтидоси, муқаддимаси. Ҳаётини шу касбга бахшида этган инсонлар умрининг интихоси ҳам хайрли ва гўзал бўлади.

МУАЛЛИМ ҚАРИМАЙДИ

Айтайлик, муаллим мактаб оstonасига илк қадам қўйган болакайга харф танитиб, саводини чиқариб, ўқиш-ёзишни ўргатса, ўқитувчи уларга дунёвий илмулардан сабоқ беради. Мураббий ва устозлар эса, ўша ёшлар орасидан энг ихтидорлиларини тарбия қилиб, дунёга машур кишилар қилиб этиштиради.

Халимаҳомид Носирова, Лутфиҳоним Саримқорова, Мухиддин Қори-Ёқубов, Дадаил Соатқулов, Дадахўжа Соттихўжаев, Очилхон Отахонов, Отавали Нуриддинов... Ушбу буюк санъат дарзалари машхурлик сари йўли Янгийўл шаҳридан бошлашгани тарихий ҳақиқат.

зали ва етарли жиҳозланган синфхоналарга эга. Мактабнинг пианиноччилар, аккордеончи-баянчилар, скрипкачилар ва ўзбек халқ чолғу асбоблари дасталари «Санъат байрами», Мухтор Ашрафий ва Мухиддин Қори-Ёқубов номидagi республика кўрик-танловларининг ғолиби бўлган.

Яқинда мусиқа мактабида ташкил этилган уч авлод ўқувчилари учрашуви тантанали санъат байрамига айланиб кетди. Дастлаб саҳнага шу кунларда ўқувчиларга мусиқа санъати сирларини ўргатаётган ёш ўқитувчилар, сўнгра бу даргоҳга 80-йилларда келиб, ҳамон ўзларининг шарафли вазифаларини сийдиқидилан адо этаётган, пировардида эса, қўллаб ёшларда шу соҳага меҳр-муҳаббат уйғотган ва бугунги кунда узоқ йиллик меҳнатлари роҳатини кўраётган мактаб фахрийлари тақдир этилиб, ҳомийлар томонидан тайёрланган совғалар тақдим этилди.

Учрашув сўнгида барча иштирокчилар ҳамда меҳмонлар учун мусиқа мактаби ўқитувчилар ижодий жамоаси ва ўқувчилари томонидан тайёрланган катта концерт дастури намойиш этилди. Самад Йўлдош.



СУРАТДА: уч авлод ўқувчилари тантаналардан лавҳа. Даврон АҲМАД олган сурат.

Байроқнинг маънолари қанчалик кўп бўлса, қалбимиздаги олижаноб туйғуларни қанчалик кўп ифодаласа, ушунчалик кадрли ва умри боқий бўлади. Хусан СУЛАЙМОНОВ, «Туркистон-пресс».

БАНКЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Ўтган ҳафтанинг охирида Вена шаҳрида Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки (ТИФМБ) билан Райффайзен Центральбанк Австрия АГ (РЦБ АГ) ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Меморандум ТИФМБ билан РЦБ АГ муносабатларини янада чуқурлаштириш шунингдек, Ўзбекистон ва Австриянинг иқтисодий субъектлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган.

Хусусан, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноатидаги кичик ва ўрта корхоналарга австриялик ва хоризий ишлаб чиқарувчилардан замонавий ускуна ҳамда технологияларни сотиб олишни молиялаш мақсадидаги Райффайзен Центральбанк томонидан ТИФМБ фойдасига кредит линиясини очиб масала-ларни кўриб чиқишмоқда.

1927 йилда ташкил толган Райффайзен Центральбанк Австрия кооператив банкларининг марказий банки ҳисоблана-

ди. РЦБ банклар гуруҳининг асосий фаолияти тижорат кредитларини бериш, инвестиция фаолияти, халқаро ҳисоб-китоблар, ҳазина амалиётларидан иборат. Ҳозирги вақтда мазкур банк жаҳоннинг юздан зиёд давлатларидаги 4500 тадан кўпроқ банклар билан корреспондентлик алоқаларини ўрнатган.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан Банк Райффайзен Центральбанк ўртасидаги корреспондентлик алоқалари 1996 йилдан бери давом этиб келмоқда. Бугунги кунда РЦБ ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг Австриядаги стратегик шерикларидан биридир. «Туркистон-пресс».

Халқимизнинг азалий қадриятлари — эл-юрт хизматида доимо камарбаста бўлган фахрийларимизни эъозлаш, ҳурмат-эҳтиром кўрсатишда, айниқса, ёрқин намоён бўлмоқда.

ЭҲТИРОМ

Бу жараёнда қасаба уюшмалари ва иш берувчиларнинг ижтимоий шерикчилиги алоҳида аҳамият касб этаётди. Тармоқ қасаба уюшмаларининг вилоят ташкилотлари, уларнинг вилоят бирлашмаси кенгаши ногиронлар, корхона ва ташкилотларда ҳамон ишлаб келаётган пенсионерларни ижтимоий муҳофаза қилиш, хуқуқларини ҳимоялашни ўз фаолиятларининг асосий йўналишларидан бири ҳисобламоқдалар. Корхона ва ташкилотларда амал қилаётган жамоа шартномалари ва тармоқ келишувлари орқали бу тоифадаги ходимлар хуқуқий жиҳатдан ҳимояланиб, уларга бепул тиббий хизмат кўрсатиш, дори-дармонлар билан боғлиқ сарф-харажатларни қоплаш, моддий ёрдам бериш, санаторий ва курортларда соғломлаштириш, ёлғиз пенсионерларнинг уй-жойларини таъмирлаш, байналминал жангчиларни бепул парhez таомлар билан таъминлаш, пенсионерларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларнинг бир қатор харажатлари учун маблағ ажратиш каби ишлар давом этири-лаёттир. Бу тадбирлар учун йилига 80 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланапти. Уларнинг салмоқли қисми қасаба органлари томонидан ажратилаёттир. Чунончи, вилоят қасаба уюшмалари бирлашмаси кенгаши барча корхона ва ташкилотларда уруш қатнашчилари ва ноги-

ронлар, фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар ҳамда уларга тенглаштирилган 2484 шахсга 78,9 миллион сўм, шу жумладан, 3,7 миллион сўм қасаба кўмиталари томонидан ажратилишига эришди. Бошланғич, шаҳар ва туман қасаба уюшма ташкилотлари ётиб қолган уруш қатнашчилари, фахрийлар ва байналминалчиларга, муҳтож бўлган оилаларга мунтазам моддий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Жумладан, «Электр-кимёсаноат» очик ҳиссадорлик жамятида қасаба уюшма кўмитаси маъмурият билан бирга иккинчи жаҳон урушининг 49 қатнашчисига 30 минг сўмдан, жами 1,4 миллион сўм муқофот ажратди. Қасаба кўмитаси томонидан ётиб қолган иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига 150 минг сўмлик совғасалом тарқатилди. 16 фахрийга, байналминалчиларга 160 минг сўм моддий ёрдам ажратилди. Бундай тадбирлар «Аммофос» ва «Ўзбеки-мемас» акциядорлик жамятларида ҳам мунтазам уюштирилаёттир. Асосий эътибор йигит-қизларни, ёш ходимларни кекса авлоднинг бой ҳаёт тажрибаси ва ибратли ишлари мисолида тарбиялашга қаратилмоқда. Мактаб, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларида ўтказилаётган уч авлод ўқувчилари ёшларнинг маънавий-сиёсий тарбиясига ижобий таъсир кўрсатаёттир. Жўрабек МУРОДОВ.

